



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

5 (55) 2023

**Сопредседатели редакционной
коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
Т.А. АСКАРОВ
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
С.И. ИСМОИЛОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Б.Т. РАХИМОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com>

E: ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Ташкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

5 (55)

2023

май

Received: 20.04.2023, Accepted: 30.04.2023, Published: 15.05.2023.

УДК 616.314-007.1-053.2-089.23

**БОЛАЛАР ЁШИДА СУРУНКАЛИ ПЕРИОДОНТИТЛАРДА ОГИЗ
БЎШЛИГИ МИКРОФЛОРАСИ ВА НОСПЕЦИФИК ҲИМОЯ ОМИЛЛАРИНИНГ РОЛИ**

Сафаров Шерзод Умарович: <https://orcid.org/0000-0002-7873-8043>
Камалова Феруза Рахматиллаевна <https://orcid.org/0000-0002-2456-4869>

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш., А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ **Резюме**

Муаллифлар томонидан болалар ёшида сурункали периодонтитларда оғиз бўшлиғи микрофлораси ва носпецифик ҳимоя омиллари ўрганиб чиқилган бўлиб, уларнинг диагностика аҳамияти баҳоланган. Тадқиқот давомида клиник, стоматологик ва микробиологик текширувлар олиб борилган ва статистик таҳлил қилинган. Сурункали периодонтит билан оғриган болаларда даволашдан кейин оғиз бўшлиғида лактобактериялар, Str. Salivarius, Str. Mutans, Str. Mitis, Staphylococcus, Escherichia, Klebsiella, Candida уруғига мансуб замбуруғлар аниқланган.

Калит сўзлар: болалар, сурункали периодонтит, микрофлора, оғиз бўшлиғи

**РОЛЬ НЕСПЕЦИФИЧЕСКИХ ФАКТОРОВ ЗАЩИТЫ И МИКРОФЛОРЫ ПОЛОСТИ
РТА У ДЕТЕЙ С ПЕРИОДОНТИТАМИ**

Сафаров Ш.У., Камалова Ф.Р.

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан, г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ **Резюме**

Авторами изучены факторы неспецифической защиты и микрофлора полости рта у детей с периодонтитами и проведена оценка их диагностического значения. В исследовании проведены клинические, стоматологические и микробиологические исследования, результаты которых обработаны методом статистического анализа. В полости рта детей с хроническим периодонтитом были определены лактобактерии, Str. Salivarius, Str. Mutans, Str. Mitis, Staphylococcus, Escherichia, Klebsiella, и грибы рода Candida.

Ключевые слова: дети, хронический периодонтит, микрофлора, полость рта

**THE ROLE OF NONSPECIFIC FACTORS OF PROTECTION AND MICROFLORA OF THE
ORAL CAVITY IN CHILDREN WITH PERIODONTITIS**

Safarov Sh.U. <https://orcid.org/0000-0002-7873-8043>
Kamalova F.R. <https://orcid.org/0000-0002-2456-4869>

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina Uzbekistan Bukhara, A.Navoi st. 1 Tel: +998(65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ **Resume**

Oral cavity microflora and nospecific protective factors in chronic periodontitis at the age of children were studied by the authors, assessing their diagnostic significance. During the study, clinical, dental and microbiological examinations were carried out and statistical analysis was carried out. Lactobacilli in the oral cavity after treatment in children with chronic periodontitis, Str.Salivarius, Str. Mutans, Str. Fungi from the seeds Mitis, Staphylococcus, Escherichia, Klebsiella, Candida have been identified.

Keywords: children, chronic periodontitis, microflora, oral cavity

Долзарблиги

Болалар ёшида сурункали периодонтит билан касалланган беморларни даволаш замонавий стоматологиянинг ҳозирги вақтда ҳам энг долзарб ва мураккаб вазифаларига киради. Кариес ва унинг пульпит ҳамда периодонтит билан бўлган асоратлари ҳали ҳануз ўсиш тенденцияси камайгани йўқ [1,4]. Бу муаммо бўйича олиб борилган илмий изланишлар ва эпидемиологик изланишлар натижаси шуни кўрсатадики, 382 нафар тиш периодонтитлари билан бўлган беморларнинг ортопантомографик маълумотлари ўрганилганда, 77.2% да хроник периодонтитнинг деструктив шакли учраган [1,3]. Периодонтитнинг периапикал тўқималарига ассоциатив микрофлора жиддий шикаст етказди. Илдиз канали тўқималарини микроблар шикастлаши оқибатида бактериал эндотоксин ишлаб чиқилади [2,8].

Сурункали периодонтитларни болалар ёшида даволаш ўз навбатида қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. Кўп ҳолатларда бу каби тишларда даволаш чора тадбирлари ўтказилгандан кейин самарадорлик яхши бўлмаганини кузатамиз. Стоматологияда терапевтик қабулнинг 35 % ни айнан пульпит ва периодонтитлар ташкил қилади [2,3]. Даволашдан кейинги натижадорлик ҳам жуда катта натижани бермайди. Кўп ҳолатларда хроник периодонтитларни даволагандан сунгги якуний хулоса хато ҳисобланиши мумкин. Даволаш жараёнидаги жуда яхши бажарилган техник амал ҳам, яъни пломбалар билан тўлдириш, периапикал соҳалардаги деструктив ўчоқларда микробли ўчоқлар узоқ вақт сақланиши мумкин [4]. Бу эса узоқ ва яқин вақт ичида касалликнинг қайталанишига ёки асорат беришига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун бу муаммони ўрганиш келгусида янада илмий изланишларни талаб қилади.

Изланиш мақсади: Болалар ёшида сурункали периодонтитларда оғиз бўшлиғи микрофлораси ва носпецифик ҳимоя омилларининг ролини баҳолаш.

Материал ва усуллар

Бизнинг изланишларимиз асосини 44 нафар сурункали периодонтитнинг деструктив шакли билан бўлган беморлар ташкил қилди. Илмий изланишлар Бухоро вилоят болалар стоматологияси поликлиникасининг Бухоро давлат тиббиёт институти клиник базасида олиб борилди. Тадқиқот гуруҳимизда ёндош касалликлари мавжуд беморлар олинмади: умумий ва маҳаллий иммун тизимининг бузилиши билан кечадиган касалликлар, тизимли касалликлар, ўткир йирингли ёки бошқа ўткир респиратор, ўткир касалликлар (этиологиясидан қатъий назар), сурункали касалликларнинг кўзиш даври, қандли диабет ёки бошқа эндокринологик касалликлар, гингивит, хейлит, стоматит, лор органлари касалликлари билан оғриган болалар тадқиқот гуруҳига киритилмади. Биз сурункали периодонтитларни даволашдаги клиник самарадорликни баҳолаш учун барча беморларга “Metapex” пломба ашёсини қўлладик. Барча беморлар асосий ва назорат гуруҳига бўлинди. Асосий гуруҳни 26 нафар бемор – “Metapex” пломба ашёсини қўллаб даволанган беморлар, булардан 10 нафари грануляцияланган периодонтит, 16 нафар бемор гранулематоз периодонтит билан; назорат гуруҳини эса 18 нафар бемор ташкил қилди, булардан 6 нафар бемор грануляцияланган периодонтит, 12 нафари эса гранулематоз периодонтит билан ташкил қилди.

Натижа ва таҳлиллар

Клинико-стоматологик текшириш усуллари билан бир қаторда 15 нафар беморда микробиологик текшириш усуллари ўтказилди. Даволаш амалиёти ўтказилаётган вақтда оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватдан, яъни милк юзасидан суртма олиниб стерил пробиркага жойлаштирилди. Микробиологик текшириш усули шаҳар санитар эпидемиологик осойишталик марказининг бак лабораториясида олиб борилди.

Лабораторияда олинган материалдан фосфат буфер ёрдамида аспороген анаэробларнинг яхши ўсиши учун серияли аралашма тайёрланди. Кейинчалик бокс шароитида тегишли аралашмалардан керакли ҳажмдаги масса ажратиб олиниб дифференциал диагностика қилиш учун уни селектив озиқали муҳитга экдик. Анаэроблар учун-агар, лактобактериялар муҳити учун – МРС-4, эшерихия учун эндо муҳит, стафилакокклар учун – сут тузли агар, энтерококклар учун калина муҳит, гемолитик активликни аниқлаш учун қонли агар кабилардан фойдаланилди. Сурункали периодонтит билан оғриган болаларда даволашдан кейин оғиз бўшлиғида микроблар колонизацияси куйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

**Сурункали периодонтит билан оғриган болаларда даволашдан кейин оғиз бўшлиғидаги
микроблар колонизацияси**

Микроблар гуруҳи	Оғиз бўшлиғи соҳалари			
	милк	тил	лунж	танглай
Лактобактериялар	2,10 ± 0,1	1,75 ± 0,1	1,15	1,0
Str. salivarius	3,10 ± 0,1	2,25 ± 0,1	1,75 ± 0,1	1,30
Str. mutans	2,40 ± 0,1	2,40 ± 0,1	1,40 ± 0,1	1,0 ± 0,1
Str. mitis	3,0 ± 0,1	2,05 ± 0,1	1,20 ± 0,1	1,10 ± 0,1
Staphylococcus	4,20 ± 0,3	3,20 ± 0,2	3,85 ± 0,1	1,15 ± 0,1
Escherichia	2,11 ± 0,2	2,10 ± 0,2	1,20 ± 0,1	0,9 0
Klebsiella	0	0	0	0
Candida уруғига мансуб замбуруғлар	3,70 ± 0,4	3,25 ± 0,3	0	1,50

Сўнгги йилларда тиш карашни микробиоценози таркибидаги айрим резидент катнашувчи бактерияларни кариесоген стрептококкларга антагонист сифатидаги аҳамияти аниқланди. Биринчи навбатда бундай микробларга кислоталарни фаол равишда парчалайдиган грамманфий анаэроб кокклар киради. Бу эса уларга кариесрезистентликнинг муҳим микроэкологик омили сифатида карашга имкон беради. Тиш карашни нафақат тиш юзасида балки пломбалар юзасида ва кариоз бўшлиқларда ҳам ҳосил бўлади. Масалан фосфат цементли пломба юзасида караш кўп йиғилиши аниқланган. Буларнинг барчаси янги пломба ашёларини ишлаб чиқиш кераклигини тушунтиради. Сурункали периодонтит, пародонтит, одонтоген инфекция кўзгатувчиларининг турли туманлилигини, уларнинг антибиотикларга сезувчанлигини ҳисобга олган ҳолда касалликнинг авж олиб кетишини инобатга олиш зарур бўлади.

Хулоса

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш зарурки, болалар ёшида энди шаклланиб келаятган доимий тиш хусусиятларини шифокор яхши билиши керак. Бу хусусиятларни билиш шифокорнинг ҳар кунги иш фаолияти давомида тўқнаш келадиган тиш касалликларига ташхис қўйиш ва тўғри даволашга ёрдам беради. Тиш қаттиқ тўқималари қатламлари анча юпқа. Тиш қаваги кенг. Илдиз канали ва апикал тешикнинг шаклланиш ва сўрилиш даврлари қарийб тенг. Сут тишларни доимий тишлардан ажратиб турадиган ишончли белги – бу тиш бўйни атрофида эмаль қалинлашиши (эмаль болишчаси) мавжудлиги ва сут тишлар қаттиқ тўқималарининг бир мунча юмшоқ (қаттиқ эмас) лигидир. Шу нарса маълумки, илдиз каналларининг яллиғланиш кўлами сурункали периодонтитнинг қайси шакли кечаятганлигига боғлиқ. Аммо яллиғланиш ўчоқларида у ёки бу шаклдаги ёки микдордаги микрофлора албатта мавжуд бўлади. Фақатгина у микдорий жиҳатдан кам ёки кўп бўлиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Байназарова Н.Т., Искакова М.К. Анализ качества эндодонтического лечения, профилактика осложнений (по данным литературы) Вестник КазНМУ 2017 3:186-189.
2. Бауман М. Пломбирование системы корневого канала Клиническая стоматология. 1998 4:18-24.
3. Камалова Ф.Р. Изучение важных аспектов в развитии гнойно-воспалительных процессов челюстно-лицевой области у детей Проблемы биологии и медицины. 2017 4/1(98):69.
4. Максимова О.П., Шейна Н.М., Петлев С.А. Фармакологическая поддержка в современной эндодонтии Казахстанский стоматологический журнал. 2004 2:19-24.
5. Максимовский Ю.М. Как оценить успех или неудачу в планируемом эндодонтическом лечении Клиническая стоматология. 1997 3:4-7.
6. Камалова Ф.Р. Первичная профилактика стоматологических заболеваний у детей, страдающих сахарным диабетом Новый день в медицине 2020 2(30):378-381 <https://newdaymedicine.com/index.php/2020/07/09/99-2-30-2-2020>
7. Kamalova F. R., Eshonkulov G. T., Radjabov A. A., Saidova M. A. The study of anomalies of maxilla-facial system of children's age in the Bukhara region Academica: December. – 2019 12.

Қабул қилинган сана 20.04.2023